

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

### ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ



**Ирода ХАЙДАРОВА**

Инглиз тили интеграллашган курси  
кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

#### Аннотация

Мақолада чет тилларини ўргатишда интерактив методлардан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларнинг инглиз тил талаффузини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Зеро, ўқитувчининг мақсади тингловчиларнинг инглиз тилидаги нутқда тўғри ва раво талаффузга эришишдир. Ушбу мақсадга эришишда муаллиф қўшиқ ва шеърларнинг матнларидан фойдаланишни таклиф этишига сабаб бундай матнлар нафақат сўзларни тўғри талаффузини эслаб қолишда балки ўрганувчиларни луғат бойлигини бойитишда ҳам ёрдам беради.

#### Аннотация

В статье излагаются особенности постановки английского произношения обучаемых с использованием интерактивных методов. Главная цель преподавателя – добиться четкого и правильного произношения английской речи учащимися. Автор для достижения этой цели предлагает использовать песни и стихотворные тексты, которые не только помогут запомнить правильное произношение слов, но и расширят словарный запас обучающихся.

#### Abstract

The article deals with the characteristics of developing the pronunciation of learners using the interactive methods. Achieving the correct and concrete pronunciation of the learners is the main aim of the teacher. In order to achieve the challenge the author suggests using songs and poetic texts that will not only help to remember the correct pronunciation of words, but also expand the vocabulary of learners.

**Калит сўзлар:** талаффуз, интерактив методлар, нутқ товушлари, иборалар.

**Ключевые слова:** произношение, интерактивный метод, звуки речи, фразы.

**Keywords:** pronunciation, interactive methods, speech sounds, idioms.

Чет тилларни ўрганишда, шу тилда тўғри талаффуз қилишни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир миллат вакилининг нутқ органлари шу халқ тилини талаффуз этишга мослашган бўлиб, у ўзга тилни ўрганишда муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир тилнинг ўзига хослиги, ўзга тилларда учрамайдиган товушлар тизимига эга эканлиги билан бошқа тиллардан ажратиб туради. Худди шу жиҳатларни инглиз ва ўзбек тилларида мавжуд товушлар тизимида учратиш мумкин. Буни инглиз

тилида мавжуд бўлмаган ўзбек тилидаги ундош товушлар мисолида кўриб чиқиш мумкин:

[ғ] – чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош товуш.

[ч] – тил олди аффрикатив ундош товуш. Инглиз тилида бу товуш “с” ва “h” ҳарфлар бирикмасида беради. Бу товушнинг луғатлардаги белгиси [tʃ] (2, 21).

Бу борада инглиз тилини ўзбек тилидан фарқлайдиган яна бир жиҳат – инглиз тилидаги [θ] ва [ð] товушларининг ўзбек тилида мавжуд эмаслигидир. Бу товушларнинг тўғри талаффузини ўқувчиларда шакллантириш, уларнинг орадаги тафовутларни фарқлай олишида мусиқий машқлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу эса чет тилларни ўқитишнинг янгича жиҳатларини очиб беради.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, таълим олувчиларга илк сабоқни мусиқа ёрдамида беришимиз ва талаффузини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир. Мусиқа оҳанги, унинг матни тингловчининг эшитиш, сўзларни фарқлаш, талаффузини шакллантиришга ёрдам беради. Албатта, тингловчи-ўрганувчининг билим доираси ва ёши, қобилияти, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда мусиқа танланиши лозим. Бунда матнли мусикадан кўра, шеър мусикалар яхши натижа беради. Шеър матнида сўзлар кетма-кетлиги қофияга солинган бўлиши унда қўлланилган сўзларнинг талаффуздаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини англаб етишга имкон беради:

*The other day, I met a bear  
A great big bear away up there  
(“The bear” кўшиғидан парча) (7).*

Ушбу кўшиқ парчасида келтирилган *bear* ва *there* сўзларининг ёзилиши ва мазмуни турфа бўлса-да, улар талаффузида (*bear*–[bεə] ва *there*–[ðεə]) бир хил [εə] дифтонг товушини учратамиз. Бу ўз навбатида, қайси сўзларда бир хил товуш ишлатилишини ўрганиш ва ёд олишга ёрдам беради.

Ўқитувчи чет тилдаги тавушлар талаффузини ўқувчиларга кўшиқ ёрдамида ўргатиш жараёнида турли машқлардан фойдаланиши, янада қизиқроқ ва самаралидир. Дарс жараёнида ўқитувчи шеър матнини ўқиб эшиттириш билан бирга, кўшимча техник воситалар (DVD, компьютер, магнитофон ва бошқалар) ёрдамида икки ва уч бор эшиттиради. Ўқувчи эшитиб бўлгач, шеър матнини мустақил ўқийди ва талаффузига эътибор беради. Ўқитувчи ўқувчини тинглаб, ундаги хато-камчиликларни тўғирлаши лозим. М: MY LITTLE BROTHER

*My baby brother’s fat, as fat  
As any boy can be,  
And he is just the sweetest duck  
That ever you did see.  
I count the dimples in his hands*

*A dozen times a-day,  
And often wonder when he coos  
What he would like to say.  
I comb the down upon his head –  
He hasn’t any hair, –  
It must be cold without, and yet  
He never seems to care.*

*It is so nice to see him kick,  
He has such pretty feet;*

*I think if we might eat him up  
It would be quite a treat.*

Бу шеър ёрдамида ўқитувчи қуйидаги машқларни ўтказиши мумкин:

а) ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган [ou] ва [u] товушларини топиш, уларнинг талаффуздаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи томонларини аниқлаш;

б) ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган [ee] ва [e] товушларини топиш, уларнинг талаффуздаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи томонларини аниқлаш;

в) ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган “s” ҳарфини топиш, уларнинг талаффуздаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи томонларини аниқлаш;

г) ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган “n” ҳарфини топиш ва сўзларнинг қай бири [n] ёки [ŋ] товушини беришини аниқлаш(3,72).

Муסיқалар матнига қараб ўқувчилар турли мавзуларга оид янги сўзларни ўзлаштиради ва сўз бойлигини янада оширади. Бундай машқларда ўқитувчи, аввало, ўқувчиларни янги мавзу билан таништиради, танланган мавзуга оид қайси сўзларни ўзлаштирганлигини савол-жавоб тариқасида сўрайди. Сўнг қўшиқ матнидаги мавзуга оид сўзлар кетма-кетлигини синф доскасига ёзади ва юқорида келтирилган машқлар асносида қўшиқ матнини ўқувчилар билан биргаликда ўқиб чиқади.

Мисол: “Оила” мавзуси

**“Our house” by Madness**

*Father wears his Sunday best  
Mother’s tired she needs a rest  
The kids are playing up downstairs  
Sister’s sighing in her sleep  
Brother’s got a date to keep  
He can’t hang around*

*Nothing ever slows her down  
And a mess is not allowed*

*Our house, in the middle of our street  
Our house, in the middle of our...  
Something tells you that you’ve got to  
get away from it*

*Our house, in the middle of our street  
Our house, in the middle of our...*

*Father gets up late for work  
Mather has to iron his shirt  
Then she sends the kids to school  
Sees them off with a small kiss  
She’s the one they’re going to miss  
In lots of ways*

*Our house it has a crowd  
There’s always something happening  
And it’s usually quite loud  
Our mum she’s so house-proud*

*I remember way back then when everything was true and when  
We would have such a very good time such a fine time  
And I remember how we’d play simply waste the day away  
Then we’d say nothing would come between us two dreamers*

*Our house, in the middle of our street*1. *Our house, in the middle of our... (5).*

Бу кўшиқ ёрдамида оила аъзоларини ифодаловчи сўзларни (*father, mother, kids, sister, brother*), инглиз ибораларини (*a date to keep* – ким биландир учрашув белгиламоқ, *Sunday best ...* – замонавий кийинган, яхши кийинган) ва оила аъзоларига хос иш-ҳаракатларини (вазифаларини) ифодаловчи сўз ва фразеалогик бирликларни, грамматик жиҳатдан замонни, вақтни ўргатиш мумкин.

Таълим жараёнида мусикадан фойдаланиш – мусика орқали бугун оммалашиб бораётган ва кўп қўлланиладиган сўз ҳамда ибораларни ўрганиш, сўз бойлигининг ортишида ёрдам беради. Чунки бир дарслик ишлаб чиқилиб, таҳлил қилиниб амалиётга жорий этилгунича анча вақт ўтади. Мусикада эса ўзингизга маълум – ҳар кун янги кўшиқ ва куй ёзилади ва эшиттирилади. Масалан, замонавий поп йўналиши кўшиқлари матнида ўқувчига номаълум янги сўз бўлмаса-да, ёш ўқувчи улар ёрдамида қуйидагиларни ўзлаштириши мумкин:

- кундалик ибора ва фразаларни;
- норасмий сўзларни;
- жаргонларни;
- талаффузни;
- урғуни, қофияни;
- халқ маданиятини;
- шу кундаги воқеликни (4).

Тил ўрганувчилар ўрганилаётган тилнинг фақатгина илмий, адабий жиҳатларини ўзлаштириб қолмай, норасмий сўзлашувда қўлланиладиган сўзларни (жаргон сўзлар, фразалар ва иборалар) билиши ва илмий тилдан фарқлаган ҳолда қайси сўзда қандай фойдаланиш кўникмасини шакллантириш ўи мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, чет тилни фақат кўшиқлар ёрдамида ўрганиш имкони йўқ. Бунга сабаб – дарсликларда келтирилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун бериладиган матнлар таркибида ўқувчининг билим даражасига оид кўшиқларнинг етарли даражада эмаслигидадир. Бундан ташқари, дарс жараёнини фақат мусиқий тарзда ташкиллаштириш ўқувчиларни зериктириб қўяди. Ана шундай ҳолатларда, ўқитувчидан педогогик маҳорат талаб этилади. У мусиқий машқларни дарс давомида, мавзудан ташқари – ўқувчиларнинг диққатини жамлаш ёки кичик танаффус сифатида ҳамда мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиши керак.

Хуллас, дарс жараёнини мусиқий тўғри ташкиллаштириш замонавий методик усуллардан биридир. У ўқувчининг қизиқиши ва диққатини ошириб, ундаги талаффузга оид муаммоларни бартараф этишга, сўзлардаги товушларни фарқлашга, сўз бойлигини оширишга ёрдам беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Abduazizov A.A. English Phonetics. A Theoretical Course. – Т., 2006 – 256 p.
2. Абдуазизов А.А. ва б. Инглиз тили амалий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
3. Хайдарова И.Н. Ўрта мактаб ўқувчиларида инглиз тили талаффузини мустахкамлашнинг ўзига хос хусусиятлари (нутқ товушлари мисолида) / магистрлик диссертация иши (қўлёзма). – Т., 2016.
4. [www.fluentu.com](http://www.fluentu.com)
5. [www.songtext.com](http://www.songtext.com)
6. [Theteachersguide.bmobilized.com](http://Theteachersguide.bmobilized.com)
7. [www.kidsworldfun.com](http://www.kidsworldfun.com)